



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА АҲОЛИНИ УЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлашнинг ва фармацевтика тармоғини бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакат аҳолисини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишга, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ва аҳоли соғлигининг кўрсаткичларини оширишга тўқинлиқ қилаётган муайян муаммолар ҳанузгача ҳал қилинмасдан қолмоқда.

Хусусан, дори воситаларини, жумладан, уларни ишлаб чиқариш ва қўллашга юқори талаблар қўйилган мамлакатларда тайёрланган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳаддан ташқари мурракбланиб қолмоқда, бу эса самарасиз дори воситаларининг олиб кирилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарнинг кенг тармоғини яратиш, шунингдек, фармацевтика бозорига давлат харидлари механизмининг тақомиллаштириш ва шафдоф рақобатни ўрнатиш зарурати ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларини қатъий нархларда сотиш тартибини қайта қўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, сифатли дори воситаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва Ўзбекистон фармацевтика бозорининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш; давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини, жумладан, дори моддалари (субстанциялар) ва дори препаратлари (кейинги ўринларда дори воситалари деб аталади) ни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини 2018 йил 1 августдан жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилан қўйилсинки:

а) ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларини сотиш уларнинг сотиб олиш қиймати ёки ўлгуви нархига 10 фоиз чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

б) юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш;

хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги бўйича шубҳа уйғотмайдиган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун масъул бўлган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларни табақалаштириш асосида;

давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинмайдиган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларнинг тиббий амалиётида қўллашга руҳсат этилган тақдирда амалга оширилади;

в) мазкур Фармоннинг 1-банди учинчи хатбошисига назарда тутилган тартиб қўлланиладиган дори воситалари ушбу воситаларнинг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилишида экспертиза қилинмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5229-сон Фармонининг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) илгори халқаро амалиётни ўрганиш асосида бир ой муддатда асосий касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари қайта қўриб чиқишнинг ҳамда ҳар чоракда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларининг рўйхати қайта қўриб чиқишнинг таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 20 июлга қадар муддатда танқидий ўрганиш ўтказиб;

юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини белгилаш;

дори воситаларининг божхона расмийлаштирувига, давлат рўйхатидан ўтказилиши ва реализация қилинишига талабларни тақомиллаштириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича таклифлар киритсин;

в) Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда мамлакатда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда қўллашга таъқиқ мавжудлиги нўқтаи назардан инвентаризация қилинсин, бундай тақиқларни жорий этишнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар келгусида қўлланилишининг мақсада мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 20 июлга қадар муддатда: дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинмайдиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар рўйхатини тасдиқлаш учун;

қонун ҳужжатлари мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиқов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шадаманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ БУЮМЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ МУАССАСАЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида республикада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам беришни ташкил этишнинг таъсирчан тизими шакллантирилди.

Факатгина 2017 йилда 11 та тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, 15 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ёрдам билан қамраб олинди, қарийб 21 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия буюмлари билан таъминланди, 35 минг нафар шахслар санаторияларда соғломлаштириш курсларидан ўтди, 20 минг нафардан зиёд шахсга реабилитация хизматлари кўрсатилди.

Шу билан бирга, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси ва инфраструктурасининг етарли даражада ривожланмаганлиги уларга ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилишни кенгайтиришга, илгори тиббий-ижтимоий реабилитация услубларини жорий қилишга имкон бермапти.

Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар жисмонан ҳамда маънан эскирган, ушбу соҳада етарли даражада инновацион технологиялар жорий этилмапти ва илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ривожлантирилмапти.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини тақомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация чораларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш бўйича уларнинг имкониятларини кенгайтириш;

тиббий-ижтимоий муассасалар ва ўқув-меҳнат устакхоналарини замонавий диагностика қилиш, даволаш, спорт ўқуналарини ва техник воситалар билан жиҳозлаш;

маҳаллий ишлаб чиқариладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифатини яхшилаш ҳамда уларнинг турларини кенгайтириш;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация

техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишини таъминлайдиган кучли илмий ҳамда методологик базани яратиш;

тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартларини кенг жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

2018-2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) 1-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасаларини қуриш ва реконструкция қилишнинг молиялаштиришнинг асосий параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2021 йил 1 январга қадар муддатга:

корхоналар бўшаётган маблагларни замонавий ўқуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилишга, шунингдек, корхонанинг протезчи мутахассисларини ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва уларнинг малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича кредит бериш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан танқидий таҳлил ва таъсирчан назорат олиб борилишини таъминласин, бунда қуйидаги ўстувор вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, Муруват ва Саховат интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш бўйича имкониятларини кенгайтириш;

ишлаб чиқарилаётган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифатини яхшилаш ва уларнинг турларини кенгайтириш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2018-2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича ҳудудий комплекс чора-тадбирларни уларнинг ижро муддатлари, масъул ижрочилари, шунингдек, молиялаштириш манбаларини аниқ қўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт

Комплекс чора-тадбирларда назарда

тутилган тадбирларни амалга ошириш учун протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий корхоналарни, чет эл инвестицияларини, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат жамғармалари ва ташкилотларининг грантлари, кредитлари ҳамда мақсадли маблагларини жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур банд билан юқлатилган вазифаларни бажаришда тўлиқ қўмақласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни замонавий ўқуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, протезчи мутахассисларни ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва уларнинг малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича кредит бериш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан танқидий таҳлил ва таъсирчан назорат олиб борилишини таъминласин, бунда қуйидаги ўстувор вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, Муруват ва Саховат интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш бўйича имкониятларини кенгайтириш;

ишлаб чиқарилаётган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифатини яхшилаш ва уларнинг турларини кенгайтириш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2018-2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича ҳудудий комплекс чора-тадбирларни уларнинг ижро муддатлари, масъул ижрочилари, шунингдек, молиялаштириш манбаларини аниқ қўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт

Комплекс чора-тадбирларда назарда

вазирлиги, Молия вазирлиги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тегишли даврлар учун лойиҳалар портфелларини ишлаб чиқишда уларда шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларига кейинчалик лойиҳаларни киритиш учун бюджет маблаглари ҳисобига ажратилаётган марказлаштирилган инвестициялар лимитлари доирасида амалга оширилаётган, мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда протезчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўргансин ҳамда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумотли протезчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича таклиф киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарор ижросининг бориш тўғрисидаги ахборотнинг ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш тадбирларини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби танқидий қайта қўриб чиқишнинг таъминласин ҳамда мазкур соҳада ортқича тартиб-таъмиллари чикариб ташлаш, ишларнинг шафдофлигини таъминлаш ва сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2705-сон қарорига:

2-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

6 ва 7-бандлари, шунингдек, 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 июнь

МУНОСАБАТ



ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Хитойнинг Циндао шаҳрида ўтказилган саммитида нуқт сўзлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташкилот доирасида эмас, балки бутун дунё ҳамжамиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ташаббуслар билан чиқди. Президентимиз, айниқса, ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Бир ўйлаб қўрайлик, нима учун давлатимиз раҳбари айнан ёшлар масаласига алоҳида ургу бермоқда? Давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, жаҳон ҳамжамиятини ёш авлод турли бузғунчи гоялар ва радикал гуруҳларга қўшилиб кетишининг олдини олишга қачирмоқда. Асосий эътиборни маърифатга, ёшларнинг маънавий ва ахлоқий

тарбиясига қаратиш, лозимлигини жонқуярлик билан таъкидламоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

«Тарбия қанча мукаммал бўлса, ҳалқ шунча бахтли яшайди», дейди донхшамандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ лойдо бўлишига мутлақо йўл қўймаслик лозим.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафкат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гитхвандлик, одам савдоси, қонқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомиде амал қилиб келган эътиқодлар, қадриятларга пугтур етказмоқда.

Давоми 2-бетда. ►

БУГУН ГАЗЕТАМИЗНИНГ ИЛК СОНИ ЧИҚҚАНИГА 100 ЙИЛ ТЎЛДИ



«Ўзбекистон овози» ҳақида гап кетганда, қўллар «отакхон газетаси», деб эътироф этади. Дарвоқе, газетамиз мамлакат миқёсида ўзбек тилида нашр этиб келинаётган ёши энг улуг газетаси, бугун 100 ёшга тўлган газетаси.

Юртимизнинг кейинги 100 йиллик тарихи ушбу газетаси саҳифаларида муҳрланган. Газетаси узоқ, оғир йўлни катта курашлар билан босиб ўтди. Бугун юртимиз, халқимиз сингари газетамиз ҳам шўролар зугумларини бошидан ўтказди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам миллий қадриятларимизни, манфаатларимизни ҳимоялашга ҳаракат қилди.

Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия сингари улуг адибларимизнинг асарлари, публицистик мақолалари дастлаб ушбу газетасида чоп этилган. Қўллаб таниқли шоир ва ёзувчилар бу газетаси тахририятида ишлаган.

Афсуски, 1937 йилларда газетамиз ходимлари ва муаллифларидан бир гуруҳи қатагон этилди. Айримлари отува ҳукм қилинди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тахририятнинг бир гуруҳ ходимлари фронтда қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлишди, айримлари ярадор бўлиб қайтишди.

«Ўзбекистон овози» газетасига Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Зиёд Есинбоев, Мақсуд Қориев каби табарруқ шахслар, Лазиз Қайумов, Уктамо Усмонов, Шароф Убайдуллоев, Азим Суян сингари таниқли адабиётшунос, олим, ёзувчи, шоир ва публицистлар раҳбарлик қилишган.

Мустақиллик йилларида газетамиз эмин-эркин фаолият кўрсата бошлади. Мустақиллиқни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, ижтимоий адолат, инсон қадр-қиммати газетанинг асосий мавзусига айланди.

Айниқса, мамлакатимизда бугун амалга оширилаётган тезкор ва қамрови кенг ислохотлар, жамиятда юз бераётган янгиланишлар аҳамияти, фуқароларимизнинг бу ўзгаришларга муносабатини ёритишнинг масъулияти ҳам, завқи ҳам бошқача бўлмоқда. Аммо биз бугун қаҳрамонона меҳн

Фикрат дарғалари

Бугун «Ўзбекистон овози» газетасининг ташкил топганига юз йил тўлди. Бу газета 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан саккиз юз нусхада босилган эди. Газета Ўзбекистондагина эмас, бутун Туркистон ўлкасида биринчи миллий матбуот нашри сифатида намён бўлган. Тарихий манбаларда ёзилишича, газетанинг биринчи сони чиқиши ўлкамизда халқ байрами сифатида нишонланган. Газетамиз 1920 йил 12 декабрдан «Қизил байроқ», кейинроқ «Туркистон», 1924 йил декабрдан бошлаб «Қизил Ўзбекистон», 1964 йилдан «Совет Ўзбекистони», 1991 йилдан «Ўзбекистон овози» номи билан чиқиб келмоқда.



Дилбар МАХМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат қурсатган
журналист.

Газета номларининг ўзгариб туриши албатта замон, давр, ижтимоий-сиёсий муҳит талаблари асосида рўй берган. Бир асрли ёшга кирган мўътабар ва донишманд нашр дарёсидан қанчалаб ижодкорлар сузиб ўтмади. Бу нашр қанчалаб фикрат дарғаларининг ғоялари, захматли дунёлари, кўз нурлари, ақл-заковатлари билан дунё юзиди кўрмади. Ана шулардан бири, мен кўрган, билган, кузатган, бир сафда ишлаган устозимиз Мақсуд Қориев ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Гапни яхшии ўзимдан бошлайман. Негаки, ўз муаммоларини, ўз сўроқларини, сенга берилган топшириқлар ва бу вазифалар юзасидан бўлган мулоқотлар

одамни синовдан ўтказди. Ўзаро савол-жавоблар асосидаги қисқа суҳбатлар орқали ҳам одамлар бир-бирларининг кўнгил майллари, феъл-атворлари, дунёқарашларидан маълум даражада бўлса-да огоҳ бўладилар.

...1973 йил, март ойи. «Ўзбекистон овози» газетасига адабий ходим бўлиб ишга келдим. Республикаимизнинг энг нуфузли газетасининг муҳбири бўлишдек орзуимга эришган эдим. Мени «Ахлоқ-одоб, тарбия» бўлимига ўтказишди. Буниси ундан ҳам соз, кўнгилдагидек. Бошқа йўналишларга қараганда, бу соҳага мойиллигим, қизиқишим кучлироқ. Ҳамма гап шундаки, бошқа бўлимларда икки, уч, қишлоқ ҳўжалиги бўлимида ҳатто тўрт ижодий ходим фаолият юритар, менинг бўлимида эса бўлим мудрири ҳам, адабий ходим ҳам бир ўзим эдим. Газетамизнинг саноат, маданият, хатлар ва шикоятлар, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги бўлимига қизғин фаолият олиб борарди. Улар жўшқин ҳаётнинг қайноқ бағридан нақ тандирдан янги узилган сўлқилдоқ нондек иссиқ нафаси, хушбўй ҳиди гурираб турган ранг-баранг воқеалар, кўрсаткичлар, янгиликлардан тўтовсиз хушхабарлар бериб туришарди. Бундай кўтаринки ахборотлар ортда шундай ахлоқий, тарбиявий мезонлар мавжуд эдики, улар парда ортга яширингандек, тезда кўз илғамас эди. Уларни ўрганиш, ибратли мақолалар тайёрлаш учун ҳам вақт, ҳам катта тажриба керак эди. Бундоқ қараганда, буларнинг ҳар иккови ҳам менда етишмас эди. Ишни нимадан, қандай бошлайман, деб фаромуш

турганимда, ижодий жамоамизнинг «летучка» деб номланган навбатдаги йиғилишига тўпландик. Ҳафтанинг ҳар душанба ва жума кунлари иш фаолиятимиз ана шу йиғилишдан бошланар эди. Бир ҳафта ораллигида газетада эълон қилинган материаллар, улар каттаими, кичими, бирма-бир таҳлил қилинар, баҳо-ланарди. Ижодий жараён ҳеч қачон қанда бўлмаган. Бундай йиғилишлар қўлига қалам олиб, ҳаёт ҳақиқатлари ҳақида ёзмоққа отланган ёш қаламкашлар учун катта ижод мактаби эди. Бу дорилфунун бошида бағридаги ҳар бир толиби илм аҳлининг лаёқати, иқтидорини ҳис қиларган, уни тўғри йўлга йўналтира оладиган Мақсуд Қориевдек устоз бўлиши омадимизнинг юришгани эди.

Мухаррир «летучка»ни бошқарарди. Газетада эълон қилинган бош мақоладан тортиб, оддий ахборотча, очерк, ҳикоя, шеърый туркумлар, ҳажвиялар, айниқса, фелъетонлар ҳақидаги ижодий ходимларнинг таҳлиллари, фикр-мулоҳазаларини эътибор билан эшитарди. Ҳар гап, албатта, муҳаррир ҳулосавий фикр билдирар эди.

«Ўзбекистон овози» газетасида сиёсий ахборотларга, кенг ўрин берилиши табиий ҳол. Лекин матбуот аввало халқ юзи, у халқ ҳаётидан узилиб қолса, унда миллат орзу армонлари ҳақида ёзилмаса, бундай матбуотнинг ҳурмати қолмайди.

Мухарриримиз дастлаб ишга келганимда, Ахлоқ, одоб, тарбия бўлими соҳасига алоҳида тўхталди:

— Редакция ўз ўқувчиларидан ҳар

куни юзлаб хат-хабарлар олапти. Уларни ўқиб, халқимиз одоб-ахлоққа доир чиқишларга муҳтожлигини сезасан. Бу борадаги ишларимиз мақтовга сазовор эмас. Уни жонлантириш керак, янгилаш керак. Тарбиявий ишларни асосан мактабга, оилада онага ва яна она зиммасига юклаб қўймайлими?! Оталар қаерда?! Нега кексаларга суяна-маймиз, ахир, улар бизнинг олтин захи-раларимизку!

Бу сўзларни эшитиб, ўйланиб қолдим. Аслида ахлоқий, тарбиявий мавзулар кўнгилмизга жуда яқин. Нақ дутор торларидек таранг тортилиб, созлангану, чертмоққа ҳозир-нозиру, лекин чалиб юбормоққа бир туртки етиш-маётгандек эди. Етишмаётган туртки ажаб эмаски, муҳарриримизнинг мана шундай даявватлари, талабчанликлари туфайли менга етиб келганди.

Уша йили Бешкайрағочга яқин Хондарибек бекатидаги янги ҳовлимизга кўчиб келганимиз. Маҳалламиз «Шарқ юлдузи» номи билан аталар, ундаги уч юз хонадон ҳам бу ерга бирин-кетин кўчиб келган оилалар эди. Уларнинг аксарияти биз каби 1966 йилги Тошкент зилзиласидан зарар кўриб, давлат ҳар қайсимизга ер ажратиб берган, қурилиш ҳамма давом этарди.

Бу жойлар шаҳар четидаги қолхоз ерлари бўлиб, унда-бундаги мева-ди дарахтларни ҳисобга олмаганда, ай-доқ дала эди. Кўчалар ажратилмаган, йўллар ўнқир-чўнқир, тоза сув танқис, машиналарда ташиб келтириб, аҳолига тарқатилар, озиқ-овқат ма-

газинлари йироқ, транспорт қатнови ёмон. Буларни йўлга солиш, авлоқ гу-шани обод этиш учун давлат кўмагидан ташқари аҳоли сафарбарлиги ҳам зарур эди. Нафақадаги маҳалладоши-миз Ҳасимхўжа Қодирхўжаев каби кек-са отахонларимиз бел боғлаб ҳашарга шайландилар. Йўллар текисланди, кўчаларга тунги чироқлар ўрнатилди, маҳалла идораси ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Бир йилга қолмай ҳароб гўша гўзал масканга айланди қолди. Бу хайрли ишларга бош-қош бўлган кексаларимиз, фажрийлари-миздан Ҳасимхўжа отамиз меҳрибон оталиги, устоз каломлиги, дониш-манд фикр-мулоҳазалари билангина эмас, балки яхши ота, яхши қайната экани билан ҳам маҳалладошларга ибрат бўлаолади.

Отахоннинг ҳаёт тажрибасидан ҳик-оя қилгим келди. Номзад муҳаррири-мизга ҳам маъқул бўлди. Газетамиз фото муҳбири Исаак Глоуберзон билан Ҳасимхўжа ота хонадонидан фото лавҳалар олди. Газетамизнинг 1973 йил 8 апрель сониди «Аҳил оилалар даврасида» руқни остида «Қайната» деган очерким босилди. Бу редакция-га ишга келганимдан кейинги биринчи ижодий чиқишим эди. Лавҳам жамоа муҳокамасида баҳо олди. Мухаррири-миз олдида юзим ёруғ бўлганди. У шун-дай деди:

— Очеркда қайната оила бошлиги сифатида, хонадон иқлимини бир ме-зонда бошқариб турадиган адолатли посбон сифатида намён бўлади. Ота

кези келганда қаттиққўл, кези кел-ганда энг меҳрибон инсон. Муаллиф бу меҳр чашмасини шундай ифо-далайди: «Ушқоқдай меҳр берсанг, у албатта бутун нон бўлиб қайта-ди...». Очерк менга маъқул, шундай давом этинг...

Орадан бир ҳафтача ўтиб, муҳаррир мени йўқлаётганини айтишди. Қабул-га кирсам, иш столи устидан «почта» хатлар орасидан ажратиб қўйилган бешта конвертни олиб, менга узатди: — «Қайната» очеркингни вилоятлар-дан билдирилган фикр-мулоҳазалар. Уларни ижодий архивингизда сақланг, кейинчалик керак бўлади, — деди.

Ижодий архивим ана шу кундан бошланган бўлса ажаб эмас. Ай-тинг-чи, бундай эътибордан сўнг ким қанот қоқиб ишламайди, ким меҳр кўр-ган даргоҳини муқаддас уйим-жойим деб билмайди?! Ҳовли-жойим супу-риқсиз қолса қоларди, болаларимнинг кир-чирлари вақтида ювилмаса ювил-мас, тўй-маъракаларга бормасам ҳам редакция топшириғи менинг ҳаёт-ма-мотим эди. Вилоятларга ижодий са-фар, Тошкентга қайтаётиб йўл-йўлақай кўрган-кечирганларинг, суҳбатлашган қаҳрамонларинг ҳақида ўйлаш, фикр-лаш, сен самолётда, поездда, авто-бусда бораёсанми, фарқи йўқ, таас-сиротларни тезроқ қозғога тушириш, бунга ошиқиш, бу ҳаяжоннинг сура-тини эртага газета саҳифаларида кўриш завқи ҳамма нарсадан баланд эди...

(Давоми кейинги сонда.)



Россияда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпи-онати футбол ишқибозларига қутилмаган натижалар ва қизиқарли ўйинлар улашишда давом этмоқда.

Станислав Черчесов бошчилигидаги Россия терма жамоаси биринчи ўйинда Саудия Арабистони вакилларини 5:0 ҳисобида мағлуб этганида муҳлислар ҳар хил фикр билдириш-ди. Кимдир Россия терма жамоаси тайёргар-лигига юқори баҳо берса, кимдир рақиб унча кучли эмаслигини айтди. Россияликлар иккинчи ўйинда Миср терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган, фикрлар ўзгара бошла-ди. Майдон эгаларининг тайёргарлиги ҳам, ния-ти ҳам баландлигига шубҳа қолмади. Россия терма жамоаси учинчи учрашувини Уругвайга қарши ўтказди.

Япония терма жамоаси гуруҳ босқичининг биринчи ўйинида Колумбияни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва жаҳон чемпионатлари тарихида Жанубий Америка вакилини мағлуб этган дастлабки Осиё жамоаси бўлди. Бугун-га қадар бу икки жамоа мундиалларда ўзаро

18 марта тўқнаш келган. Уларнинг 15 тасида осиёликлар мағлуб бўлишган ва 3 марта дуранг қайд этилган.

Бугун гуруҳ босқичининг навбатдаги ўйин-лари давом этади. Соат 17:00 Дания — Австралия, 20:00 Франция — Перу ва 23:00 Аргентина — Хорватия учрашувлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари эътибо-ри Аргентина — Хорватия ўйинига қаратилиши табиий. Чунки бу учрашувни ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқаради. Бош ҳакамга ҳамюртлар-имиз Абдухамидullo Расулов ва Жаҳонгир Саидов ёрдам беради. Уйин Нийжний Новгород шаҳридаги стадионда бўлиб ўтади.

Эртага ҳам футбол ишқибозларини қи-зақлари учрашувлар қутиб турибди. 17:00 да Бразилия — Коста-Рика учрашуви бошланади, Аргентина билан дуранг ўйнаган Исландия соат 20:00 да Нигерияга қарши майдонга тушади. 23:00 дан бошлаб Сербия — Швейцария ўйини-ни кўриш мумкин.

Шаҳбоз САИДОВ

Яқинда Сеулда «Korea World Travel Fair 2018» халқаро сайёҳлик ярмар-каси бўлиб ўтди.

Ҳар йили ўтказиладиган мазкур кўргазмада бутун дунёдан туристик агент-ликлар, авиакомпаниялар, туризм бўйича миллий ва минтақавий кенгашлар, сайёҳлик маъмуриятлари, йирик меҳмонхона мажмуалари ҳамда курортлар вакиллари иштирок этади. Жорий йили ярмаркада 60 дан ортиқ мамлакатдан келган 500 нафардан зиёд соҳа мутахассиси қатнашди.

Ўзбекистон туризм соҳаси ривож-и Жанубий Корея нигоҳида

Ўзбекистоннинг Кореядаги элчи-хонаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва республикаимизнинг қатор туризм компаниялари ҳамкор-лигида ташкил этилган мамлакатимиз стенди меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир чоғида мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти ва тарихий-ма-даный мероси ҳамда сайёҳлик индус-триясини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ис-лохотларни ҳикоя қилувчи видеолар-га иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Унда, асосан, Ўзбекистоннинг диққатга сазовор масканлари, сайёҳлик салоҳияти, хизмат кўрсатиш соҳаси, меҳмонхоналар фаолияти ва туропе-раторлар ҳақидаги ахборотлар стенд ку-затувчиларига катта илҳом бағишланди.

Шу билан бирга, ўзининг мафтун-кор ранг-баранглиги билан ишти-рокчилар эътиборини қозongan кенг турдаги ўзбек миллий либослари ҳам намойиш этилди.

Кўргазма қатнашчилари Ўзбеки-стонда сўнгги йилларда туризм саноа-ти жадал ривожланаётгани, унинг ин-фратузилмаси жаҳон стандартларига мос равишда такомиллаштирилаётга-нини алоҳида таъкидладилар. Бу эса халқаро ҳамжамият эътиборини ўзига тортмоқда. Юртимиздаги тарихий ёд-горликларнинг кўлиги уни бутун дунё

сайёҳлари учун энг жозибадор йўна-лишлардан бирига айлантирди.

«Semyung Travel» компанияси бош директори Ли Мин Хёнг Ўзбеки-стон сўнгги вақтда сайёҳлик саноати-ни модернизациялаштиришни, туриз-мининг янги йўналишларини яратиш ва ривожлантириш урда-сидан чиққанини таъкидлади.

«Planet World Tour» раҳбари Хан Же Чолнинг фикрича, бугун саёҳат ши-на-вандаларининг Ўзбекистонга бўлган қи-зақиқиш ортиб бораётгани кузатишмоқда.

— Кореяликлар ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва анъана-ларига чуқур эътиром ва заъв билан қарамоқда. Шу сабабли ўша гўзал диёрга бориб, унинг ҳаёти ва кўхна шаҳарларини ўз кўзлари билан кўри-шга интиломоқда.

«Sport Tourism 21» компанияси раҳбари Шим Жонг Шик Ўзбекистон ўзининг дурдона меъморчилиги, кўхна ва ҳаммаша навиқрон шаҳарлари, са-мимий халқи, ўзига хос миллий таом-ларига ҳамда аjoyиб урф-одатлари би-лан сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбир яку-нида мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиш бўйича кўплаб талабномалар келиб тушди.

«Дунё» АА
Сеул.

Эҳтиёжманд оилалар уйли бўлди

Самарқанд шаҳридаги транс-порт ва коммунал хўжалик касб-хўна қўллаганининг бўш турган 3 қаватли биноси 2 мил-лиард 160 миллион сўм маблағ эвазига уй-жойга мослаштирил-ди. Мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Бир ва икки хонали 52 хонадон эҳтиёжманд оилаларга бепул топширилди.

Бионинг биринчи қаватида маъ-навият ва тиббиёт хоналари ҳамда ушбу уйда яшовчиларнинг бандли-

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Кўзим яна ёруғ дунёни кўрди

Ҳурматли таҳририят! Яқинда кўларимда жуда кучли оғриқ ҳис қилдим. Шундан кейин кўрмай қол-дим. Бутун олам зулмат-қоронгу-лиқда қолган эди гўё. Менинг бу ҳолатимни кўриб, фарзандларим шошилиш табиий ёрдамни қади-ришди. Навбатчи врач менинг кў-зимни текшириб кўрагач, Тошкент тиббиёт академиясининг иккинчи клиникасига олиб боришди.

Оғриқ кучайгандан кучайиб бо-рарди. Мени навбатсиз 3-палатага ётизишди ва оғриқ қолдирувчи дори билан уқол қилишди. Даволаниш ши-фокор Элдор Миркомиллов жуда та-жрибали ва қўли енгил экан. Аслида ўнг кўзим хира торган, чап кўзим эса кўрмасди. Таҳлиллар натижасида қўйилган ташхис бўйича у менга ке-ракли муолажаларни қилиб, кечро-қ кундуз қаради, меҳрибон ҳамшира-лар бошимда парвона бўлишди.

Натижада хира торган кўзим яна аслига қайтди, худода минг қатла шукр, ёруғ дунёни кўра бошладим. Даволаниб бўлгандан кейин менга жавоб беришди. Ле-кин Рамазон ҳайити кунлари ҳам даволоччи шифокор Элдор Мир-комиллов уйимга келиб, керакли муолажаларни кўрсатиб кетди, ба-рака топсин.

Бу миннатдорчилик мактубини ёзишдан мақсад — инсон саломат-лиги йўлида ўз оромидан кечи-б, кечани-кеча, кундузини-кундуз де-ган уқол фидойилик билан ишлаётган оқ либосли шифокорларимиз ха-миша бахтимизга соғ-омон бўлиш-син, кўллари дард, умрлари завол кўрмасин!

Раҳимжон Расулжон ўғли
МАМАЮНОВ.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek XAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahriyati
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 638. 11142 nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:40.
Topshirilgan vaqti — 03:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5